

ТРАНСПОРТ ВОСИТАСИНИ ОЛИБ ҚОЧИШ ЖИНОЯТИНИДА ЖАВОБГАРЛИКНИ ОҒИРЛАШТИРУВЧИ ҲОЛАТЛАРНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

*ИИБ Академияси Жиноят ҳуқуқи кафедраси
ўқитувчиси капитан А.А. Адашбаев*

Аннотация: Ушбу мақолада транспорт воситасини олиб қочиш жиноятида жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатлар ва уларни қўллаш юзасидан тавфсиялар берилган.

Калит сўзлар: Транспорт воситаси, транспорт воситаларини олиб қочиш, рецидивист, ўта хавфли рецидивист, бир гуруҳ шахслар

Транспорт воситасини олиб қочиш жиноятини такроран ёки хавфли рецидивист (ЖК 267-модда, 2-қисми «а» банди), ўта хавфли рецидивист (ЖК 267-модда 3-қисми «а» банди), бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб (ЖК 267-модда 2-қисми «б» банди), уюшган гуруҳ томонидан (ЖК 267-модда 3-қисми «б» банди) содир этилиши субъектив белгиларига кўра қилмиш учун жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатлар ҳисобланади.

Илгари ҳукм қилинган жиноятига ўхшаш жиноят содир этган, ЖКда алоҳида кўрсатилган ҳолларда эса, Махсус қисмнинг бошқа моддалари билан ҳам ҳукм қилинган шахснинг қасддан янги жиноят содир этиши хавфли рецидив жиноят деб топилади (ЖК 34-модда 2-қисми)¹. Транспорт воситасини олиб қочиш жиноятини хавфли рецидивист томонидан содир этилган деб квалификация қилиш учун, айбланувчининг илгари ЖК 267-моддасини содир этганлиги, содир этилган мазкур жиноят учун суднинг айблов ҳукми чиққанлиги, судланганлик муддати ўтмаган ёки белгиланган тартибда олиб ташланмаганлигини аниқлаш талаб этилади. Агар шахс транспорт воситасини олиб қочиш жиноятини содир этиб, суд ҳукми чиққунга қадар яна ушбу жиноятини содир этса қилмишни «илгари ҳукм қилинган» зарурий белгиси мавжуд эмаслиги сабабли, хавфли рецидивист томонидан содир этилган деб квалификация қилиб бўлмайди. Етарли асослар мавжуд бўлганида қилмишни такроран содир этилган транспорт воситасини олиб қочиш деб баҳолаш мумкин.

Айбланувчи томонидан илгари транспорт ҳаракати ва ундан фойдаланиш хавфсизлигига қарши жиноятларнинг бошқа шакли учун судланиб, судланганлик муддати ўтмасдан транспорт воситасини олиб қочиш жиноятини содир этиши “илгари ҳукм қилинган жиноятига ўхшаш жиноят” белгиси мавжуд бўлмаганлиги сабабли хавфли рецидивист томонидан содир этилган транспорт

¹ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси: <https://lex.uz/acts/111453>

воситасини олиб қочиш сифатида баҳоланмайди. ЖКда илгари ҳукм этилган жиноятга ўхшаш жиноятлар тушунчасига таъриф берилмаган. Бироқ, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Бир неча жиноят содир этилганда қилмишни квалификация қилишга доир масалалар тўғрисида»ги қарори 20-банди айнан ўхшаш жиноятлар деганда:

шахс илгари судланган Жиноят кодекси Махсус қисми айнан бир моддасида назарда тутилган (агар моддада бир хил жиноят таркиблари учун жавобгарлик белгиланган бўлса);

шахс илгари судланган Жиноят кодекси Махсус қисми муайян моддаси айнан бир қисмида назарда тутилган (агар моддада турли жиноят таркиблари учун жавобгарлик белгиланган бўлса, масалан, ЖК 228, 248, 273-моддалари) жиноятларни янгидан содир этиш тушунилиши лозимлиги белгиланган².

Транспорт воситасини олиб қочиш жиноятини ўта хавфли рецидивист томонидан содир этилган (ЖК 267-модда 3-қисми, «а» банди) деб квалификация қилишда ягона ва қатъий мезон, яъни шахс жиноят содир этгунига қадар суд томонидан ўта хавфли рецидивист деб топилганлигига асосланиш лозим. Шахсни ўта хавфли рецидивист деб баҳолаш мезонлари ЖК 34-моддаси 3-қисмида батафсил белгиланган.

Транспорт воситасини олиб қочиш жиноятини бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этиш жиноят ижтимоий хавфлилиги юқори ҳисобланиб, қонунда ўн йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиши мумкинлиги назарда тутилган (ЖК 267-модда 2-қисми «б» банди).

ЖК Умумий қисми 29-моддасида жиноятда иштирокчилик шакллари келтирилган бўлиб, унга кўра икки ёки ундан ортиқ шахснинг олдиндан тил бириктириб жиноят содир этилишида иштирок этиши мураккаб иштирокчилик ҳисобланади³.

Ф.Ф. Абдуқодировнинг фикрига кўра бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган деб баҳолаш учун қуйидаги учта белги мавжуд бўлиши шарт:

биринчидан, гуруҳ таркибида жиноий жавобгарликка тортиш ёшига етган камида икки шахснинг иштирок этганлиги;

иккинчидан, гуруҳда камида икки ёки ундан ортиқ шахс бажарувчи сифатида иштирок этганлиги;

учинчидан, гуруҳда иштирок этаётган шахсларнинг олдиндан тил бириктириб, биргаликда жиноят содир этиш учун келишганлиги⁴.

² Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2008 йил 15 майдаги «Бир неча жиноят содир этилганда қилмишни квалификация қилишга доир масалалар тўғрисида»ги қарори: <https://lex.uz/docs/1600001>

³ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси: <https://lex.uz/acts/111453>

⁴ Ф.Ф.Абдуқодиров Талончиликка қарши курашишнинг жиноят-ҳуқуқий чораларини такомиллаштириш Юрид.

Ф.Ф Абдукодировнинг фикрига тўлиқ қўшиламыз ва транспорт воситасини олиб қочиш жиноятини бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган деб топиш учун юқоридаги белгиларнинг мавжуд бўлиши мажбурий ҳисобланади.

Агар, содир этилган жиноятнинг бажарувчиси бир киши бўлса, қолган иштирокчилар (ташкилотчи, далолатчи, ёрдамчи)нинг ҳаракатлари ЖК 277-моддаси 2-қисми “б” банди билан эмас, балки ЖК 28-моддаси орқали бажарувчи содир этган ЖК 267-моддаси тегишли қисми билан квалификация қилиш лозим.

Шунингдек, олдиндан тил бириктириб жиноят содир этган шахсларнинг бири жиноий жавобгарликка тортиш ёшига етмаган бўлса мазкур жиноятнинг квалификацияга оид белгиси мавжуд бўлмайди, агарда жиноят содир этган шахсларнинг бири вояга етган, бир эса вояга етмаган бўлса у ҳолда вояга етган шахснинг вояга етмаган шахсни жиноят содир этишга жалб қилганлик ҳолати бўйича (ЖК 127-моддаси вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилиш) жинояти билан жавобгарликка тортиш масаласи кўрилиши лозим.

Транспорт воситасини олиб қочиш жиноятининг ушбу оғирлаштирувчи белгиси билан тўғри квалификация қилиш «учун олдиндан тил бириктириш» тушунчасини тўғри шарҳлаш талаб этилади.

И.А.Соттиевнинг фикрича «жиноятнинг объектив томонини бажаришдан олдин содир этилган ҳаракатлар «олдиндан» каби баҳоланади»⁵.

П.Бакунов, жиноятни бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган, деб ҳисоблаш учун гуруҳ аъзоларидан камида икки киши жиноятнинг объектив томонини ифодаловчи ҳаракатларни ҳеч бўлмаганда бир қисмини бажаришда қатнашишлари керак⁶.

Кўриниб турибдики, И.А.Соттиев объектив белгилар бажаришдан олдин тил бириктириш лозимлигини таъкидласа, П.Бакунов объектив томонини ифодаловчи ҳаракатларни ҳеч бўлмаганда бир қисмини бажаришда қатнашиш лозимлигини маъқуллайди.

Фикримизча, транспорт воситасини олиб қочиш жинояти икки ёки ундан ортиқ шахслар томонидан олдиндан тил бириктирмай, биргаликда содир этилган бўлса, олдиндан тил бириктириш белгиси мавжуд бўлмаганлиги сабабли, қилмишни бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб деб эмас, ҳар бири алоҳида-алоҳида квалификация қилиниб, жавобгарликка тортилиши лозим.

фан. бўй. фал. док (PhD). ... дис. – Т., 2022. –Б.100-101

⁵ Соттиев И. А. Уюшган жиноятчиликка қарши курашишнинг ҳуқуқий воситалари: Ўқув қўлланмаси. – Т. 2005. – 24 б.

⁶ Бакунов П. Босқинчилик учун жавобгарлик. – Т.: ТДЮИ, 2007. – Б. 51.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси: <https://lex.uz/acts/111453>
2. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2008 йил 15 майдаги «Бир неча жиноят содир этилганда қилмишни квалификация қилишга доир масалалар тўғрисида»ги қарори: <https://lex.uz/docs/1600001>
3. Ф.Ф.Абдуқодиров Талончиликка қарши курашишнинг жиноят-ҳуқуқий чораларини такомиллаштириш Юрид. фан. бўй. фал. док (PhD). ... дис. – Т., 2022. –Б.100-101
4. Соттиев И. А. Уюшган жиноятчиликка қарши курашишнинг ҳуқуқий воситалари: Ўқув қўлланмаси. – Т. 2005. – 24 б.
5. Бакунов П. Босқинчилик учун жавобгарлик. – Т.: ТДЮИ, 2007. – Б. 51.